

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР

## АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

М. Дадабаева

Банк-молия академияси магистранти

**Аннотация**

Мақолада тижорат банкларида операцион харажатларнинг мазмуни, уларнинг тузилиши ва самарадорлигини баҳолаш усуллари ёритилган. Шунингдек, харажатлар устидан аудиторлик назоратини ташкил этишнинг асосий босқичлари, миллий ва халқаро амалиётда қўлланиладиган методлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** операцион харажатлар, аудит, ички назорат, тижорат банки, харажат/даромад коэффициенти, самарадорлик.

**КИРИШ**

Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, бунда банкнинг ликвидлилиги билан даромадлилиги

ўртасидаги оқилона алоқадорликни таъминлаш муҳим, амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, банк активларининг даромад келтирувчи қисми қанчалик кўп бўлса, унинг ликвидлилиги шунчалик паст ҳисобланади ва аксинча, агар банкнинг ликвидли активлар салмоғи кўп бўлса даромади кам бўлади.

Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида ликвидлилик даражаси юқори бўлган активларнинг нисбатан йирик миқдорда тўпланиб қолиши юз бермоқда. Бу эса, уларнинг даромадлилигига салбий таъсир қилмоқда. Тижорат банкларининг даромадини оқилона тарзда ошириб боришни таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурый шартларидан яна бири ҳисобланади. Шунингдек, банк фойдасини оқилона тарзда тақсимлаш, даромад ва харажатлар

ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон молия-банк тизимида тижорат банклари иқтисодий барқарорлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади. Банклар фаолиятида операцион харажатлар мижозларга хизмат кўрсатиш, инфратузилмани сақлаш, ахборот технологияларини жорий қилиш ва бошқа турдаги сарф-харажатларни ўз ичига олади. Шу боис уларнинг мақсадлилиги ва самарадорлигини баҳолаш учун аудиторлик текширувларини тўғри ташкил этиш зарур.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ҳам ривожлантириш ва халқаро стандартлар асосида ташкил этиш давр талабига айланмоқда. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ва бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга чиқарди ва уларнинг долзарблиги ушбу икки (аудитнинг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари) стандартларни амалиётга жорий этишни тақозо этди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни билан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш учун қулай шароит яратилган.

Операцион харажатлар аудитини ташкил этишда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

1. Харажатларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш;
2. Харажатларнинг мақсадли сарфланишини баҳолаш;
3. Ортиқча ва самарасиз сарфларни аниқлаш;
4. Харажатлар таҳлили орқали банкнинг молиявий барқарорлигига таъсирини ўрганиш;

5. Халқаро стандартлар асосида ҳисобот шаклларини тақомиллаштириш.

Маълумки, қонунчилиқда аудиторлик текширувани режалаштиришда аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №3 “Аудитни режалаштириш” номли АФМС асосида амалга оширилиши мажбурий этиб белгиланган бўлсада, бироқ, амалиётда эса аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур стандарт талаблари ёки унда белгиланган тартиб қоидаларга текширувлар жараёнида тўлиқ амал қилинмаяпти ёки ҳар бир текширувнинг умумий режаси ва иш дастури турлича ёндашувлар асосидаги мазмун ва шаклларда тайёрланиб келинмоқда. Бу эса, текширув муддатини узайишига, текширувлар жараёнида қатнашувчи ҳар бир аудитор ёки ёрдамчи аудиторнинг ўз вазифасини аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли, улар томонидан йўл қўйиладиган хато ёки камчиликларни кўпайишига ва текширув жараёнини маълум кетма-кетликсиз ёки тартибсиз равишда амалга оширилишига олиб келади. “Аудитни режалаштириш” номли №3 АФМСга мувофиқ режалаштириш аудиторлик текширувни ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудиторлар режа тузилгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари ва аудиторлик текширувининг барча босқичларида умумий режа ҳамда дастурда келтирилган вазифаларни қатъий тартибда амалга оширишлари лозим.

Стандартга мувофиқ, аудиторлик текширувани режалаштириш жараёни қуидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

Тижорат банкларида операцион харажатлар аудитини ташкил этиш жараёни қуидаги босқичлардан иборат:

1. **Тайёргарлик босқичи** – аудит дастури ишлаб чиқилади, хавфхатарлар баҳоланади.
2. **Ахборот тўплаш** – харажатлар бўйича ҳисоботлар, сметалар, ички ҳужжатлар йиғилади.

3. **Аналитик процедуралар** – харажатларнинг таркиби ва динамикаси таҳлил қилинади.

4. **Аудиторлик текшируви** – хужжатлар асллиги, харажатлар қонунийлиги ўрганилади.

5. **Хулоса тайёрлаш** – харажатларни камайтириш, оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

## ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ТАКЛИФЛАР

Жаҳон банклари амалиётида операцион харажатлар аудитида қуйидаги усууллар самарали деб топилган:

- **Risk-based audit** (хавф-хатарга асосланган аудит);
- **Digital audit tools** (рақамли технологиялар асосида текширув);
- **Benchmarking** (бошқа банклар билан солиштирма таҳлил).

Ўзбекистон банклари амалиётида ҳам ушбу методларни жорий қилиш харажатларни шаффоф бошқаришга хизмат қиласди.

## ХУЛОСА

Тижорат банкларида операцион харажатлар аудитини тўғри ташкил этиш банк молиявий барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда миллий амалиётда харажатларнинг қонунийлиги ва самарадорлиги устидан назоратни кучайтириш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 2016 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1995 й.

3. Qoraliev T. va boshqalar Bank ishi. O'quv qo'llanma. – T.: “IQTISOD – MOLIYA”, 2016 y.
4. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности”. – Москва: ИНФРА-М, 2019.
5. Basel Committee on Banking Supervision. “Principles for sound management of operational risk”. – BIS, 2021.
6. Deloitte. “Operational cost management in banks”. – London, 2020.
7. Jumaniyazov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(2), 1.
8. Jumaniyazov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 30-37.
9. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Наука, образование и культура, (7 (10)), 27-28.
10. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Economics, (7 (16)), 28-29.
11. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlanirish istiqbollari. Science and Education, 3(5), 1637-1645.
12. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. Science and Education, 3 (5), 1628-1636.
13. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партиципатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги. Science and Education, 4(2), 1486–1493. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>
14. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. Science and Education, 4(2), 1509–1516.